

Илхомжон Исроилжонович БЕКМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломушунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ISESCO кафедраси доценти
тарих фанлари доктори
ilhomorient@gmail.com

МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ИСЛОМ ДИНИ АНЪАНАЛАРИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ

РАСПРОСТРАНЕНИЯ ТРАДИЦИИ ИСЛАМА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

THE SPREAD THE TRADITION OF ISLAM IN CENTRAL ASIA

Аннотация: Ушбу мақолада асосий эътибор Марказий Осиё жумладан Мовароуннаҳр марказий шаҳарлари ҳисобланган Бухоро ва Самарқандда саккизинчи ва ўн учинчи асрларда ислом илмлари тараққиёти ва ислом анъаналарининг минтақага кириб келиши ва ривожланиши ҳақида бирламчи манбаларга таянган ҳолда маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: Ҳанафий, уламолар, Мава-
роуннаҳр, бухоро, Самарқанд, муҳаддис, фақиҳ

Аннотация: В данной статье в первоис-
точниках приводятся сведения о развитии
исламских наук в Бухаре и Самарканде в VIII-XIII
вв., где основной упор делается на Центральную
Азию, включая центральные города Моваруннахра,
а также на проникновение и развитие исламских
традиций в регион.

Ключевые слова: Ханафи, улама, Мавераун-
нахр, Бухара, Самарканд, мухаддис, факих

Abstract: This article is devoted to the analysis
of the spread and the scientific activities and the role of
Islam in the social-religious life of Mawarannahr and
two basic cities of Central Mawarannahr – Bukhara and
Samarqand in II-VII/VIII-XIII centuries. The article is
devoted to the definition of the various kinds and groups
of sources for the study of environment theologians and
the establishment of a degree of their reliability.

Key words: Hanafi ulama Central Mawarannahr;
Bukhara, Samarqand, muhaddith, faqih

Марказий Осиё мустақил маънога эга
бўлган минтақавий цивилизациялардан бири
ҳисобланади. Ўтган кўп асрлик ривожланиш
даврларда мазкур цивилизация жузъий

антропологик, ижтимоий, сиёсий, тил, диний ва
бошқа ўзгаришларга қарамасдан доимий ўзига
хос қонуниятлар, жиҳатларга эга бўлиб борди.
Миллий қадриятлар бу цивилизациянинг асосини
ташкил этади. Юзлаб авлодлар тажрибаси
асосида шаклланган мазкур қадриятлар эса
маълум даврларда ҳукмрон дин тарафидан
муқаддаслаштирилиш (сакраллаштирилиш)
дек жиҳатларга эгадир. Бой диний қадрият
ва тажрибаларга эга бўлган Марказий Осиё
худудларида VII асрдан бошлаб ислом дини
тарқала бошлади. Ҳозирги кунда исломшунос
тадқиқотчилар фикрини умумлаштириб шунини
айтиш мумкинки, Марказий Осиёда ислом
тарихини унинг миллий маданият билан
алоқалари нуқтаи назаридан шартли равишда
тўрт асосий даврга бўлиш мумкин:

Биринчиси, араб истилолари ва араб
ҳукмронлигининг узил-кесил ўрнатилиши (Бу
644-780 йилларни ўз ичига олади).

Иккинчиси, Марказий Осиё ва ислом
маданиятлари ўзаро таъсир этиш ва ўзлаш-
тирилиши даври (Бу 780 йилдан - XIV асргача
бўлган давр).

Учинчиси, Марказий Осиёда ислом
динининг минтақавий формаси шаклланган ва
барқарорлашган даври (Бу XIV-XIX асрларни
ўз ичига олади).

Тўртинчиси, Марказий Осиёда ислом
динининг қайта тикланиш даври
(Бу Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг
ташкил топиши яъни 1991 йилдан ҳозирги
қунимизгача бўлган даврни ўз ичига олади).

Ислонинг Марказий Осиёга кириб келиши
бевосита араб истилолари билан бошланади.
Араб-ислом давлати тарафидан бу минтақанинг
фатҳ этилиши икки асосий даврдан иборатдир:
ҳарбий ўлжа олиш мақсадида амалга
оширилган чопқинлар даври (Бу 644-704
йилларни ўз ичига олади.);

Кутайба ибн Муслим (Бу 704-715 йилларни
ўз ичига олади) ҳарбий юришлари [2:32-39].

Илк давр бўйича икки амирнинг
бошқаруви бу ўлкада кейинги ислом тарихи
учун муҳим аҳамият касб этди. Биринчи
воқеа Мовароуннаҳрга Саъид ибн Усмон ибн
Аффон (Хулафойи Рошидунлардан бўлган
учинчи халифанинг ўғли) юриши билан
боғлиқ. Мазкур юриш мобайнида Уструшана
(Ҳозирги Жиззах вилояти ва Тожикистоннинг
Сўғд вилоятлари худудига тўғри келади.)

да Қусам ибн Аббоснинг ҳалок бўлиши кейинчалик Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда қадимий култининг исломлашувига муҳим асос бўлди. Ҳадис илми олимлари орасида Қусамнинг ўлими биографик (табақот) асар муаллифлари томонидан билдирилган икки ривоят мавжуд. Табақот муаллифларининг катта бир қисми у Марв яқинида ҳалок бўлиб, шу ерда дафн этилганлигини тасдиқлайди. Иккинчи гуруҳ уламолар эса унинг Уструшана ёки Самарқандда ҳалок бўлиб, Самарқанд шаҳрида дафн қилинганини таъкидлайдилар. Сўнгги давр тадқиқотлари шуни кўрсатяптики, Қусам ибн 'Аббос Уструшананинг Ширкас деган жойида вафот этади. Лекин ҳарбий чопқиндаги араб қўшинлари бу вақтда ҳали шаҳарларни эгалламаган эдилар ва очик ердаги чодирларда (суродик) тунар эдилар. Ҳадис анъаналаридаги мазкур зиддият бизга Қусам мурдаси ўша даврдаги араб қўшинларининг асосий қароргоҳи жойлашган Марвга олиб кетилиб, ўша ерда дафн этилганига асос бўла олади. Аммо анъананинг иккинчи таҳрири Самарқанд аҳолиси шаҳардаги қудук култини камида IX асрдан эътиборан Қусам ибн Аббос шахси билан боғлай бошлаганидан далолат беради.

Иккинчи воқеа Муҳаллаб ибн Аби Суфранинг амирлиги ва унинг Мовароуннаҳрга, хусусан Кешга қилган юришлари билан боғлиқ. Муҳаллаб ва унинг сулоласи жанубий араб қабилалари иштирокида Мовароуннаҳрнинг баъзи минтақаларини босиб олдилар. Лекин кейинчалик Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги шимолий араб қабилаларининг Мовароуннаҳрни ишғол этиши уларга мазкур ўлка фотиҳлари ва ислом динини тарқатувчилари шуҳратини келтирди. Албатта, бундан Мовароуннаҳр фатҳини бошлаб берган қахтоний жанубий араб қабилалари иттифоқи норози эди. Бу эса Мовароуннаҳрда узоқ вақт давом этган шимолий ва жанубий араб қабилалари ўртасидаги зиддиятга сабаб бўлди. Бундай қарама-қаршилик Мовароуннаҳрдаги илк ислом тарихи, хусусан диний-илмий ҳаётнинг характерли белгиларидан бири бўлиб қолди.

Қутайба ибн Муслим босқини ҳарбий жихатдан Мовароуннаҳрнинг Араб халифалиги таркибига кириш масаласини узил-кесил ҳал этди. Лекин мамлакатдаги муҳолиф

кучларнинг қаршилигини синдириш узоқ йиллар давом этди. Бухоро шаҳри Марвдан сўнг ҳарбий-сиёсий режаларни амалга оширишда арабларнинг Мовароуннаҳрдаги сиёсий ва таянч нуқтага айланди. Бухоронинг янги даврдаги ривожланиши ана шу омил билан боғланади. Аксинча, Самарқанд қадимий маданият билан алоқаларни сақлаб қолди. Буни кейинчалик унинг Қуйи Тохаристон (Бақтрия) маркази Балх билан анъанавий маданият ришталарини сақлаб қолганлигида кўришимиз мумкин.

Қутайба ибн Муслим Боҳилий (ҳукм дав. 660-715 йй.) Мовароуннаҳрни фатҳ қилишда уч маротаба Бухорони ишғол қилган бўлса ҳам, у шаҳардан чиқиб кетиши билан аҳоли ислом динидан чиқиб, яна ўз дини ва эътиқодига қайтар эдилар. Машҳур тарихчи Муҳаммад ибн Жарир Наршахий (ваф. 960 й.)нинг “Бухоро тарихи” асарида Қутайба фақат тўртинчи юриши ниҳоясида Бухорони ўз иродасига бўйсундиришга муваффақ бўлгани таъкидланади. Тарихдан Бухоро Самарқанд ва Марв шаҳарлари сингари жойини ўзгартирмагани ва унинг IX асрдаги топографик шароити ҳамма вақт ўзининг ҳозирги ўрнида бўлгани маълум [6:13-17].

Узоқ давом этган арабларга қарши қўзғолон ва урушлар ўзларининг самарасиз эканлигини намоён қила бошлади. Урушлардан чарчаган Мовароуннаҳр аҳолисининг бир қисми бундай оғир аҳволдан чиқиш йўлини излай бошлади. Инқирозга юз тутган Умавийларнинг Хуросондаги волийси Ашрас ибн Абдуллоҳ Суламий (ҳукм дав. 727-729 йй.) Мовароуннаҳрдаги араблар ҳукмронлигининг ижтимоий асосини кенгайтириш мақсадида бир гуруҳ ислом даъватчиларини ушбу минтақага юборади. Араб истилосидан кейин Мовароуннаҳрнинг кўпчилик маҳаллий аҳолиси аста-секин исломни қабул қила бошладилар, аммо жизъа (ғайри динлардан жон бошига олинадиган солиқ тўлов тури) йиғиб беришда давом этдилар. Ислом дини таълимотларини ёйиш мақсадида Хуросон волийси Ашрас ибн Абдуллоҳ Суламий 728 йилда Мовароуннаҳрга асли келиб чиқиши араб бўлмаган хуросонлик Абу-с-Сайдо Солиҳ ибн Тариф бошчилигида ислом таълимотларини ёйиш гуруҳини юборди. Абу-с-Сайдо “адолатли” халифа Умар ибн Абдулазиз (ҳукм дав. 717-720 йй.) нинг либерал сиёсати натижасида айниқса

Хуросонда фаоллашган барча мусулмонларнинг тенглиги учун олиб борилган ҳаракатнинг намоёндаси бўлган. Ашрас сафарга отланган тарғиботчиларга динга янги кирганлардан жийа олинмайди, деб ваъда берди. Абу-с-Сайдонинг Мовароуннаҳрдаги тарғиботлари муваффақият қозонди ва кўпчилик исломни қабул қилди [7:210].

IX асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ҳадис мактаблари ҳақида қизиқарли маълумотлар “Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг “Китоб ал-Ансоб” асари Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тарихи бўйича манба сифатида” номли китобда келтирилган [8:184]. Унда Марв шаҳридаги катта ҳадис мактаблари ва унда ижод қилган буюк муҳаддислар тўғрисида зикр этилиб, сўнг Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳақида сўз боради: “IX-X асрда Самарқанд вилоятларидан бири Иштихон шаҳрида Аҳмад ибн Ҳишом Навқадакий ҳамда Довуд ибн Амр Рустуғфарий ҳадис мактаблари, Нисо шаҳрида Аҳмад ибн Шуайб Нисайи мактаби, Хўжандда – Яҳё ибн Фазл Хўжандий мактаби мавжуд бўлган”.

Баъзи муҳаддислар Самарқандга келиб, муқим яшаб қолганлар ва шу шаҳарда ўз мактабларига асос солганлар. Жумладан, Абу Имрон Мусо ибн Абдуллоҳ Муаддиб Хўжандий (ваф. 907 й.) адиб, ҳаким, муҳаддис сифатида шухрат қозонган. Самъоний келтирган маълумотларга кўра, Абу Саъд Идрисий ўзининг “Самарқанд тарихи” китобида Мусо ибн Абдуллоҳ Хўжандийнинг Самарқанддаги мактабида бўлганлигини айтиб ўтган [1:Ж.2. –Б.244].

Мовароуннаҳр шаҳарлари ичида Самарқанднинг ўзига хос ўрни бўлиб, бу ерга илм талабида турли ўлкалардан олимлар келар эдилар. Айримлар ўзлари учун керакли илмларни олиб, сўнгра ўз юртларига қайтсалар, бошқалари шаҳарда умрларининг охиригача қолганлар. Бу маълумотлар Самарқандда ислом илмлари жуда ривожланганлиги, шаҳар уламоларининг машҳурлик даражалари юқори бўлганлигини англатади. Ҳадис илмининг Самарқанддан чиққан илк намояндалари сифатида Абу Муқотил Самарқандий, унинг шогирди Абу Бакр Аҳмад ибн Наср Атакий, икки ўғил – Салим ибн Ҳафс (ваф. 826 й.) ва Умар ибн Ҳафслар (ваф. 834 й.) зикр этилади.

Манбаларда IX асрда яшаган шошлик муҳаддислар – Имом Бухорий ва Жаъфар ибн Муҳаммад Форёбий (“Кичик Форёбий”)ларнинг устози Абдуллоҳ ибн Абу Ароба Шоший (IX аср), Абу Валид Тайолисий, Сулаймон ибн Ҳарбларнинг шогирди Абу Мусо Ҳорун ибн Ҳамид Шоший (ваф. 879 й.), унинг жияни Абу Али Фазл ибн Аббос ибн Абу Авона (ваф. 899 й.) ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган. Бу маълумотлар Шошда ҳам ҳадис илми кенг ривож топганлигидан далолатдир [9:202].

Бироқ ислом таълимоти ривожланиши билан бир қаторда диний шаклдаги, турли ғоявий оқимлар (зайдийлар, хорижийлар, мўътазилийлар, муржийлар, шиалар) ҳам вужудга келган. Уларнинг пешволари айрим ҳолларда катта низолар билан тугайдиган кескин баҳс ва мунозаралар олиб борганлар. Буюк алломалар нутқ сўзлайдиган мазкур мунозараларда минглаб илм толиблари қатнашганлар. Қуръон ва Суннатни ўрганиш чуқурлашиб борган сари, фанларнинг махсус йўналишлари – калом, тафсир, ҳадис ва фикҳнинг ривожланиши билан исломдаги турли оқимлар ўртасида кескин тортишувлар тинчий бошлаган.

Ислом дини турли ўлкаларга – араб бўлмаган халқларга ёйилгани сари Қуръонни тушуниш, уни тўғри талқин қилиш масаласи кўндаланг бўла бошлаган. Қуръон илмларига доир масалаларни изоҳлаш талаби туғилди, тафсир илмига муҳтожлик сезилган. Тафсир илми муфассирлар томонидан икки йўналишда ўрганилди ва ривожлантирилди. Биринчи йўналиш – Пайғамбар (а.с.) ва у кишининг саҳобийлари ривоятларига таяниб тафсир қилувчи муфассирлар бўлсалар, иккинчи йўналиш – раъй (фикр ва ақл) билан тафсир қилганлар. Шунингдек, муфассирлардан тафсир илмининг 13 соҳасини, жумладан, оятларнинг турини аниқлаб берувчи ҳадисларни яхши билишлари талаб қилинган. IX аср охиригача фаолият кўрсатган муҳаддислар ҳадисларни жамлаш жараёнида, тўпламларига тафсирга оид ҳадисларни махсус бир боб сифатида киритганлар. Имом Доримий, Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг ҳадис тўпламларидаги тафсирга оид ривоятлар Мовароуннаҳрда Қуръонни ҳадислар билан тафсир қилишнинг илк намуналари ҳисобланади.

Мовароуннахрда шунингдек, ҳанафий мактаби негизида шаклланган мотуридийа калом мактаби ташкил топган. Калом дастлаб исломда мавжуд бўлган турли сиёсий-диний фиркалар - муътазилийлар, хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржийларнинг ўзаро мунозаралари ҳамда маздакий ва насроний динлари вакиллари билан баҳслашишлари жараёнида шаклланган. Калом илмининг пайдо бўлиши Пайғамбар, саҳобийлар даврида ҳам юз бермаган эътиқод масалаларидаги баҳслар, тортишувлар кўпайган Аббосийлар ҳукмронлик қилган вақтга тўғри келади. Мовароуннахрда калом илмининг ривожига Аҳмад ибн Исҳоқ Абу Бакр Жузжоний (IX аср), Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний Абу Наср Иёдий ҳамда Абу Мансур Мотуридий (ваф. 944 й.) каби олимлар катта ҳисса қўшганлар [10:44-48].

VIII асрнинг иккинчи ярми - IX асрларда Аббосий халифалардан Ҳорун ар-Рашид (ҳукм дав. 786-809 йй.), Амин (ҳукм дав. 809-813 йй.), Маъмун (ҳукм дав. 813-833 йй.), Муътасим (ҳукм дав. 833-842 йй.), Восиқ (ҳукм дав. 842-847 йй.), Мутаваккил (ҳукм дав. 847-861 йй.), Муқтасир (ҳукм дав. 861-862 йй.), Мустаъин (ҳукм дав. 862-866 йй.), Муътазз (ҳукм дав. 866-869 йй.) лар ҳукмронлиги даври бўлган. Халифалар Маъмун, Муътасим даврларида калом, тафсир, ҳадисларни тўплаш ва шарҳлашга эътибор қаратилди. Бу эса ҳадис ва фикҳ илмларининг юксак даражада ривожланишига олиб келди.

VIII асрнинг охири – IX асрда Хуросон ва Мовароуннахрда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар ҳамда у билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар аҳолининг маданий ҳаётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Жумладан, араб тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши унинг нуфузини ошириб, замонасининг илм-фан тилига айлантирган. Араб тилига қизиқиш ортган, айниқса, маҳаллий зодагон табақа томонидан унинг ўзлаштирилиши мазкур табақа вакиллари халифалик ноиблари билан яқинлашишлари, сиёсий мавқеъларининг кучайишига имкон берган. Айни пайтда маҳаллий аҳоли ўртасида араб тилини мукаммал эгаллаб олган шахслар – олимлар ва давлат арбоблари кўпайган. Улар дастлабки билимларни она юртларидаги мадрасаларда олиб, кейинчалик халифаликнинг Бағдод, Басра, Куфа ва бошқа марказий

шаҳарларида билимларини оширганлар. Бағдод халифаликнинг ҳам сиёсий, ҳам илмий ва маданий маркази эди. Маълумки, халифа Маъмун даврида у ерда “Байт ал-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) – ислом оламининг ўзига хос фанлар академияси тузилган эди. Унда Мовароуннахрдан чиққан кўплаб олимлар таҳсил олдилар.

Мовароуннахр йирик шаҳарлари аҳолисининг ислом таълимотларини ўрганиши ва ҳаётига татбиқ қилиши осонроқ кечди. Шунга қарамай. Халифа Муқтадир (ҳукм дав. 908-932 йй.) замонида Тўқузғуз ҳоқонининг ислом динидан қайтишидан кейин Самарқанд монийлик таълимотининг манзилига айланди. Сомонийлар давлатида христианларнинг сони унча катта эмас эди [11:7].

X асрда “эътиқодли” илоҳиётчилар “дахрий”ларнинг тазйиқиға чидашга мажбур бўлдилар. Мовароуннахрда машхур муътазилий илоҳиётчиси Абу-л-Қосим Балхий Каъбий (ваф. 931 йй.) муваффақият билан маърузалар ўқиди. Бухорода Наср ибн Аҳмад замонида (ҳукм дав. 914-943 йй.) Мовароуннахрда шиалик таълимотлари ҳам кенг ёйилди. Уларнинг таълимотлари суннийлар томонидан Мовароуннахр ва Хуросон шиаларининг қувғин қилиниши билан тугади. Карромийлар Самарқанд, Фарғона, Хутталда ўз хонақоҳларига эга эдилар. Самарқандда муътазилийлар ва карромийларнинг 17 та мадрасаси бор эди [3:126]. X асрда Мовароуннахрдаги диний вазият ўзининг кескинлиги билан ажралиб турарди. Илоҳиёт масаласи ижтимоий тараққиётнинг ечилмаган муаммолари орасидаги кураш майдонига айланиб қолди.

Мана шундай ғоявий курашлар даврида Мовароуннахрда муътадил мазҳаб сифатида “**ҳанафийлик**” мазҳаби ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб борди. “ҳанафийлик” сўзи илмий адабиётда бир неча маъноларда қўлланилади. У хусусий термин сифатида имом Абу ҳанифа фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) фани доирасида асос солган мактабни (Абу Ҳанифа мазҳабларини) билдиради. Кенг маънода эса, “ҳанафийлик” - диний илмлар мажмуи ичидаги алоҳида ҳуқуқий-диний йўналишни англатади. VIII асрнинг охири - IX асрнинг бошида Ироқда янги вужудга келган фикҳ фани ичида алоҳида мактаб сифатида шаклланган ҳанафийлик мазкур даврдан сўнг пайдо бўлиб, ривожланган барча диний илмлар

соҳасида ўз таълимотларини ишлаб чиқди. Ўтган асрлар мобайнида ҳанафий уламолар фикр билан бир қаторда тафсир, ҳадис, калом, мантиқ, филология, ахлоқ, тасаввуф ва бошқа илмлар соҳаларида бой, хилма-хил асарлар яратдилар.

Ҳанафийликнинг Марказий Осиё маънавияти учун аҳамияти бағоят каттадир. Чунки мазкур мазҳабнинг тадрижий ривожланиши бир неча асрлар мобайнида ислом дунёсининг турли минтақаларида давом этди. Абу Ҳанифа мазҳаби Ироқнинг марказий шаҳарларида - асосан Куфа ва Бағдодда пайдо бўлиб, шаклланди. Илк даврнинг ўзидаёқ икки марказ - Ироқ ва Хуросоннинг мазҳаб ичида етакчи ўрин эгаллаганлиги яққол кўзга ташланади. Сомонийлар (ҳукм дав. 875-999 йй.) даврида янги интеллектуал илмий муҳит - Мовароуннаҳрнинг мавқеи мустаҳкамлана боради. XI-XII асрларда Яқин Шарқ минтақаларида ҳанафийлик марказларининг турли сабабларга кўра аҳамиятининг пасайиши, ҳатто баъзи ерларда бутунлай йўқолиб кетилиши кузатилади. Худди шу даврда Қорахонийлар (ҳукм дав. 999-1211 йй.), Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар (ҳукм дав. 1077-1231 йй.) қўллари остидаги Мовароуннаҳр марказий шаҳарларидаги ҳанафийлик мактаблари барқ уриб ривожланди. Улардаги интеллектуал илмий ҳаёт тўлақонли, ҳар томонламали эди: турли маҳаллаларда янги масалалар бўйича фатволар берилар, фақиҳлар мажлисларида ихтилофли масалалар баҳс этилар, имло дарсларида йўналишлар бўйича маълум ечимлар ва фатволар тартибга солинар, кўп сонли муаллифлар фикрнинг (яъни ислом динидаги ҳукукий масалаларнинг) методологик ва амалий соҳаларида кўп китоблар таълиф этар эдилар. Энг муҳими - ҳанафийлик мазҳаби нормалари узоқ вақт давомида маҳаллий материал - Марказий Осиё маданияти асосида Мовароуннаҳр уламолари томонидан ишлаб чиқилди [4:196]. Бунинг натижасида Марказий Осиё халқлари маданиятлари ютуқлари, анъаналари, ҳукукий тасаввурлари ислом маданияти таркибига кирди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур цивилизация намояндалари тарафидан исломни “ўз дини” ва “ўз маданиятининг ажралмас қисми” сифатида қабул қилишига йўл очиб берди.

Ислом дунёси ғарбида ҳанафийлик мактаблари инқироз ва парокандаликка юз тутган бир даврда Мовароуннаҳр мактаби ушбу мазҳабнинг кейинги тақдирини ўз қўлига олди. Мовароуннаҳр уламолари XII асрдан бошлаб Ироқ (Бағдод, Мўсил), Сурия (Димашк, Ҳалаб), Миср (Қоҳира), Рум (Кичик Осиё - Қаромон, Конья, Синоп), Олтин Ўрда (Хожитархон, Қрим), Ҳиндистон мактабларига янгидан асос солдилар. Кейинчалик мазкур мамлакат уламолари томонидан, айниқса ҳанафийлик Усманийлар империяси (ҳукм дав. 1281-1924) даврида расмий мазҳаб мақомига эришган кезде, мовароуннаҳрлик олимлар классиклар, иккиланмасдан қабул қилинадиган авторитетлар сифатида эъзозлана бошланди.

Марказий Осиё цивилизацияси тарихи диний тажрибанинг қадимийлиги, хилма-хиллиги, маданиятларнинг серқирралиги, минтақавий жиҳатларнинг бойлиги билан ажралиб туради. Исломнинг бу ҳудудга кириб келиши билан юқорида зикр этилган регионал ўзига хосликлар муайян этник гуруҳлар, аҳоли табақалари, нисбатан ажралган диний жамоалар орасида исломий фирқа ва фирқачалар таълимотининг тарқалиши ва барқарорлашишида ўз аксини топди. Ҳанафийлик Марказий Осиёда ҳукмрон мазҳабга айлана бошлагач, бу исломий жамоаларга, биринчи навбатда, уларнинг таълимотлари ва амалиётларида мужассамлашиб улгурган аҳоли диний ишончлари ва удумларига ўз муносабатини шакллантирди. Унинг моҳияти икки қисмдан иборат эди:

Биринчидан, ўз принципларини изчил, собитқадам ҳаётга тадбиқ этиш.

Иккинчидан, муҳолиф гуруҳлар билан мулоқат олиб бориш, улар кўтарган масалаларга жавоб излаш, асосли жиҳатларни ўзлаштириб олиш. Тарихнинг турли давларида Марказий Осиёда фаолият кўрсатган кўплаб исломий жамоалар - карромийлар, шофеъийлар, қаромита, мўътазила, сўфийлар (ясавийя, кубравийя, нақшбандия, ишқийя) ва бошқалар ҳанафийлик таркибига сингиб кетди. Бунинг оқибатида ҳанафийлик ўзида қарийб бутун Марказий Осиё диний мафкураси ва амалиётини ўзида мужассамлаштира бошлади.

Ҳанафийлик Марказий Осиё сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги улкан силжишларга ҳамоҳанг тарзда ўзгариб

турди. Янги давр нафаси унинг ислоҳчилик ҳаракатининг пайдо бўлишига олиб келди. Мусо хон Даҳбедий (ваф. 1190/1776 й.), Нийозкули (ваф. 1236/1820-21 й.) мамлакат ривожланишига кафолат берувчи маънавият формаларини изладилар. Аммо ташқи куролли кучларнинг Марказий Осиёга кириб келиши ўз қонунлари ривожлаётган ислоҳчилик жараёнларини бошқа томонга буриб юборди. Кейинги воқеалар, айниқса коммунистик партия яъни тоталитар тузум сиёсати, ҳанафийлик ижтимоий структураларининг тугатилишига, назарий илм намоёндаларининг бартараф этилишига олиб келди. Натижада маънавиятнинг ажралмас бир қисми ҳисобланган диний ҳаёт “халқ эътиқодидаги ислом” - урф-одат, удумлар билан чегараланиб қолди. Бу бўшлиқ узоқ вақт турли ижтимоий-вульгар таълимотлар билан тўлдирилиб келинди. Марказий Осиёда янгидан вужудга келган мамлакатлар ривожланишнинг мустақил, цивилизацион йўлини танлаган ҳолатда мазкур бўшлиқ масаласи яна бир бор актуал муаммога айланди. Регион маънавий-руҳоний ҳаёти тарихида XIX аср охири - XX асрларда юз берган узилиш ҳанафийликнинг бой мероси ва анъаналарининг янги авлод тарафидан унутилишига олиб келди. Оқибатда ислом дунёсининг турли чеккаларида шаклланган, ерлик миллий маданиятлар, улар асосида вужудга келган мафкура, қадриятлар тизимлари, муайян давлатлар манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган назарий исломий таълимотлар бу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилдилар. Шундай бир шароитда Марказий Осиё кўп асрлик тарихи, унинг маданияти, қадриятлари, тақдири билан чамбарчас боғланган ҳанафийликни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Абу Ҳанифа мазҳаб асосчиси. Абу ханифа ҳаёти бўйича манбалар сони жуда кўп. Улар ислом адабиётининг “маноқиб”, “фазоил”, “ихтилофу-л-аймма” каби жанрларда яратилган. Мазҳаб асосчисининг асл исми - Нўъмон, отасининг исми - Собит. У 699-700 йил Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилди, ёшлиги шу шаҳарда ўтди. Шунинг учун олим “Куфий” нисбатини олди. Лекин мутафаккир “Абу Ҳанифа” (кунья) исми билан шуҳрат қозонди. Абу Ҳанифа ипак газламалар билан савдо қилувчи тижоратчи оиласида дунёга келди. Бу оила ажамийлардан (илк ислом даврида

араб бўлмаган халқ вакиллари шу ном билан аталганлар) бўлиб, Тайм ибн Саълаба деган араб қабиласининг мавлоси (ҳимоясида) эди [5:96-110].

Абу Ҳанифа таржимаи ҳолини ёритишда баъзан чалкашлик, зиддиятчилик, бир масала бўйича ҳар хил фикрларнинг мавжудлиги каби ҳолларга дуч келинади. Бу ҳодисанинг, албатта, ўз сабаблари бор. Биринчидан, Абу Ҳанифа ҳақидаги ҳикоялар узоқ вақт оғзаки турда бўлиб, кейинчалик “маноқиб” (биография) жанридаги китобларга жамлана бошлади. Иккинчидан, турли ислом жамоалари ўртасида доимо ихтилофли вазият мавжудлиги сабабли, ҳанафийлар ўз йўлбошчиларини кейинги пайтда пайдо бўлган ҳар хил айблов ва шубҳалардан ҳимоя қилишга (апологетика) мажбур бўлдилар. Ниҳоят, ҳанафийлик мазҳаби ҳам ўтган асрлар ичида ривожланди, тадрижий равишда ўзгарди: унинг таълимоти муфассаллашди, мукаммаллашди; соҳалари кенгайди; ижтимоий, сиёсий мавқеи бағоят ошди; Машриқ халқлари, айниқса, туркий халқлар орасида буюк мавқега эга бўлди. Бу муҳим омиллар турли даврларда, бошқа-бошқа минтақалар, муҳитларда ижод этган муаллифларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Шарқий Хуросон ва Мовароуннаҳрдан Ироққа таълим олиш учун келган кишилар аксарият ҳолларда Куфага Абу Ҳанифа ёнига йўл олар эдилар. Масалан, Абу Муқотил Самарқандий ва бошқа Самарқанд, Насаф, Бухоро, Хоразм вакиллари бевосита Абу Ҳанифа кўлида билим олдилар [14:17].

Ҳанафийликнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши ва барқарорлашишининг асосий сабабларидан бири, мазкур мазҳаб бу минтақада исломга янгидан кириб келаётган маҳаллий аҳоли манфаатлари ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. Яна, Сўғдиёнанинг Қуйи Тўхаристон, айниқса унинг марказий шаҳри - Балх билан исломдан аввалги ва илк ислом даврларидаги чамбарчас алоқалари Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифа мазҳаби муваффақиятини таъминлади. VIII аср охири - IX аср бошида исломда мазҳаблар энди шаклланаётган бир даврда Балхдек мустаҳкам ва кучли ҳанафийлик маркази келгусида Самарқанд ва Бухоро мактабларининг шаклланишига бевосита ўз таъсирини ўтказди.

Ҳанафийлик эрта расмий мазҳаб мақомига эришди, бу эса кўп кишиларнинг эътиборини ўзига тортди. Халифа Махдий (ҳукм дав. 775-785 йй.) замонида ҳанафий фақиҳ Мужоҳид ибн Амр Мовароуннаҳр қозиси этиб тайинланади. 828 йил машҳур балхлик фақиҳ Халаф ибн Аййубнинг ўғли Саъид ибн Халаф Балхий Бухоро қозиси мансабига эришди [4:53].

Балхлик ҳанафийлар Мовароуннаҳрда ислом таълимотларини тарқатишда ҳам бевосита иштирок этдилар. Масалан, 796 йилда Фарғона ва Шошда 100 минг киши биргина Абу Муоз Балхий ва Абдулазиз ибн Холид Термизийлар қўлидан ислом динини қабул қилдилар.

Мовароуннаҳр илк давр фақиҳларнинг иснодлари бу ўлкада ҳанафийлик анъаналарининг вужудга келиши ва ривожланишига Бағдод ва Хуросоннинг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Бу давр бўйича фақат Самарқанд ва Бухоро бўйича қоникарли даражадаги маълумотлар мавжуд. Лекин Насаф, Кеш, Термиз, Фарғона водийси, Хоразм бўйича маълумот ва манбалар кам бўлганлиги боис ҳанафийлик анъаналарини бу ўлкаларда ёйилиш тарихи бўйича ишончли маълумотлар бермайди.

Самарқанд. Абу Ҳанифанинг бевосита ўқувчилари Самарқандда фаолият олиб боришди. Улар - Абу Муқотил Ҳафс ибн Саҳл Фазорий Самарқандий, Наср ибн Аби Абдулмалик Атакий, Шарик ибн Аби Муқотил, Маъруф ибн Ҳассон, Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий ва Юнус ибн Субайҳ Самарқандий. Лекин Уларнинг ичида уч кишини алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим.

1. Абу Муқотил Ҳафс ибн Саҳл Самарқандий Абу Ҳанифанинг устозлари Аййуб Сухтийоний, Ҳишом ибн Ҳиббон ва бошқалардан таълим олган. У Балх ҳанафийлари билан яқин алоқада бўлган. Абу Муқотил “Китоб ал-олим ва-л-мутаъаллим” асарининг муаллифи сифатида машҳурдир. У калом илми соҳасида Абу Ҳанифанинг баъзи фикрларини ривожлантирган. Бу китобни ундан Абу Мутиъ Балхий эшитди. Унинг икки фарзанди ва қариндошлари фақиҳликнинг юқори даражасига эришдилар [14:29-37].

2. Наср ибн (Аби) Абдулмалик Атакий фикҳ ва ҳадис илмлари соҳасида шухрат қозонди.

3. Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий Самарқанднинг илк ҳанафий қозиларидан эди.

Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” асарининг гувоҳлик беришича, Самарқандда жуда кўп уламолар жамоаси фаолият олиб бордилар. Бу авлод намоёндалари машҳур илоҳиётчи олимлардан Абу Мансур Мотуридий (ваф. 944-5 йй.) ва Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Ийодий (яшаган даври X аср) ҳанафийлик анъаналарини Абу Сулаймон Жузжонийнинг шогирди Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжонийдан қабул қилиб олдилар. Абу Наср Ийодий ўзидан кейин 40 та шогирд қолдирди. Унинг ўғли ва шогирди Абу Аҳмад Ийодий кейинги авлод бўйича Самарқанднинг пешқадам фақиҳи бўлиб қолди. Мотуридийнинг ўқувчилари орасида Абдулкарим ибн Мусо Паздавий (ваф. 1000 йй.) ҳам бўлиб, унинг таълимотини ўз эвараси машҳур Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим Паздавийга (ваф. 1099-1100 йй.) ўргатди. Мотуридийнинг бошқа ўқувчиси, машҳур самарқандлик фақиҳ Исҳоқ ибн Исмоил Ҳаким Самарқандий (ваф. 953 йй.) ҳам балхлик фақиҳ Абу Бакр Варроқнинг (ваф. 294/905-06 йй.) издошларидан эди. Балхнинг пешқадам фақиҳларидан Абу Бакр Искоф (ваф. 947-48 йй.), Абу-л-Қосим Саффор (ваф. 948 йй.) ва Абу Бакр Аъмашларнинг (ваф. 939-40 йй.) шогирди Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳиндувонийнинг Самарқанд фақиҳларига кўрсатган таъсири алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳиндувонийнинг ўқувчилари - Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 373/983-84 йй.) ва Муҳаммад ибн Мансур Навқадийлар (яшаган даври X аср) Мовароуннаҳр фикҳининг қоидаларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнадилар. Самарқандда яшаш учун Балхдан Муҳаммад ибн Фазл Балхий (ваф. 931 йй.) ва Аҳмад ибн Саҳл Балхий (ваф. 951-52 йй.) кўчиб келдилар. Аҳмад ибн Саҳл Балхийнинг авлодлари Самарқандда яшаб, ислом билмдонлари ўтганлар [16:111в].

Бухоро аҳлидан 33 киши Абу Ҳанифанинг сафдошлари саналади. Улар орасида Шарик ибн Абдуллоҳ Нахайй, Муҳаммад ибн Қосим Асадий (40 йил Абу Ҳанифа ёнида бўлганлар), Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг устози Муҳаммад ибн Фазл ибн Атиййа, Исо ибн Мусо Ғунжор Бухорийнинг устози Муҳаммад ибн Саллом Пайкандий, Исҳоқ ибн Мужоҳид Ҳанзалий,

Абу Абдуллоҳ Исоҳқ ибн Бишр Бухорий, Абу Ҳанифа номи билан машҳур бўлган Усмон ибн Ҳумайд ва бошқалар бор.

Бухородаги маҳаллий ҳанафийлик мактабининг асосчиси Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирди Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Бухорий (ваф. 832 й.) эди. У кейинчалик Абу Ҳафс Кабир фахрий ном билан машҳур бўлди. Узоқ вақт Балхнинг таъсири сезилган Самарқанддан фарқли, Бухоро мактаби ўз миллий анъаналарига суянди. Бухорога ислом илмий муҳитининг бошқа марказларга кўрсатган таъсири ҳақида гапирганда биринчи навбатда Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорийнинг (ваф. 991 й.) шогирдларидан бири Абу Жаъфар Уструшаний (ваф. 1013-14 й.) Бағдод ҳанафийлик мактабининг намоёниси Абу Бакр Аҳмад ибн Али Бакр Аҳмад ибн Али Розий Жассоснинг (ваф. 370/981 й.) ҳам қўлида ўқиган эди. Икки йирик балхлик фақиҳнинг ўринбосарлари ҳам Бухоро билан боғлиқ: Ҳоким Шаҳид номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Марвазий Балхий (ваф. 945 й.) Бухорода Сомонийларнинг давлат хизматида бўлган [16:110 а-118 б].

Шунингдек, Абу Ҳанифа шогирдлари сафида 8 хоразмлик, 3 термизлик, 1 тадан кешлик ва сағониёнлик ислом билмдонлари эслатилади.

Табақот жанрида ёзилган манбалар Мовароуннаҳр ва ислом дунёсининг асосий илмий марказлари - Ироқ ва Хуросон орасидаги мавжуд алоқалар яқин бўлганлигига гувоҳлик беради. Бухоро ҳанафийлари Бағдодда ёзилган ислом билмларига оид асарлардан кўпроқ таъсир сезган бўлсалар, Самарқанд олимлари эса, Балх илмий муҳитидан таъсирландилар.

Мовароуннаҳрда кейинчалик ислом илмларининг ривожланишида Ҳоким Шаҳиднинг (945 йил қатл этилди) асарлари маълум аҳамиятга эга бўлди. У Шайбонийнинг катта ҳажмдаги “Китоб ал-мабсут” асарини икки вариантда қисқартирди. “Китоб ал-кофий” ва “Китоб ал-мунтақий” деб аталган бу мухтасар ўқув қўлланмалар ҳанафийлик мазҳабини ўқитишда муҳим рол ўйнади.

IX-X асрларда Мовароуннаҳр ҳам илоҳиёт масалари бўйича тортишувлар майдонига айланиб қолди. Мовароуннаҳрда асҳоб ал-ҳадис (ҳадис билмдонлари), мўътазилийлар, қарматийлар, карромийлар, рофизийлар ва

бошқа оқимлар фаол иш олиб бордилар. Самарқандлик илоҳиётчиларнинг турли “адашган” фирқалар билан кураши натижасида “суннат ва келишув аҳли” (аҳли сунна ва-л-жамоъа) таълимоти юзага келди. Бу даврда буюк маҳаллий илоҳиётчи олимлар Абу Мансур Мотуридий, Абу Наср Ййодий, Ҳаким Самарқандий, Али ибн Саъид Рустуғфаний, Абдулкарим Паздавий, Муҳаммад ибн Ямон Самарқандийлар фаолият кўрсатдилар. Самарқандлик сунний илоҳиётчиларнинг бу таълимотларининг шаклланиши ва ривожланишида Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” (Яккахудолик ҳақида китоб), “Китоб байон ваҳм ал-мўътазила” (Мўътазилийларнинг адашишлари баёни), “Китоб ар-радд ала-л-қаромита” (Қарматийларга раддия), Рустуғфанийнинг “Китоб иршод ал-мухтадий” (Тўғри йўлда юрувчига қўлланма), Муҳаммад ибн Ямоннинг “Китоб ар-радд ала-карромийа” (Карромийларга раддия), “Маъолим ад-дин” асарлари сезиларли таъсир этди [17:22].

Бухоролик илоҳиётчилар шиа жамоаларидан бири рофизийларга муҳолиф бўлиб, анъанавийлик мавқеида турдилар. Бу ўринда Абу Ҳафс Бухорийнинг ўғли Абу Ҳафс Сағирнинг (яшаган даври IX аср) “Китоб ар-радд ала аҳл ал-аҳво” (шахсий фикр билан иш юритиш тарафдорларига раддия) асарини зикр этиш мумкин. Бу асарда у рофизийларнинг “яширинган имом”, руҳнинг кўчиб юриши ва Жаброилнинг “хато”га йўл қўйиб, Муҳаммад (а.с.)ни Али билан адаштиргани, натижада у янглишиб ваҳйни Али ибн Аби Толибнинг ўрнига Муҳаммад(а.с.)га етказгани ҳақидаги ғояларни қоралади.

Маълумотлар ислом билмдонларининг шаҳар аҳолиси ичида обрўси тез ортиб борганлигини кўрсатади. Масалан, Абу Ҳафс Кабир Бухорий Бухоронинг Хайзоҳаз (Хайроҳар) деган жойида кўп тарафдорларига эга бўлган. 874 йилда шаҳарда катта мавқе ва обрўга эга бўлган Абу Ҳафс Сағир Бухорони Исмоил Сомонийга (ҳукм дав. 892-907 йй.) топширилишида ҳал қилувчи ролни ўйнади.

Илк давр ислом билмдонларининг нисбалари гувоҳлик берадики, уларнинг деярли барчаси Мовароуннаҳрдан чиққан эдилар. Шаҳар ва кишлоқлар орасида Бухоро, Самарқанд, Насаф, Пазда, Навқад Қурайш, Барқад, Субазмун, Тавовис, Миғ, Рустуғфан

(Рустуфағн), Дабусийа ва бошқалар зикр этилади. Бу минтақанинг марказлари сифатида Самарқанд ва Бухоронинг шуҳрати юқори эди. Масалан, устурушаналик маҳаллий олимлар Х асрда никоҳнинг қийин масаласини ечиш учун Бухоро ва Самарқанд шайхларига илтимос билан мурожаат қилганлар.

Х асрнинг охирларида Мовароуннаҳр ислом билмдонларида шу минтақа жамияти ҳаётининг ўзига хос томонларига тааллуқли масалаларни мустақил равишда ечишга интилиш кузатилади. Улар оила-никоҳ муносабатлари, ер ва мулк ижараси, савдо-сотиқ ва бошқа масалаларни ҳал қилдилар. Х асрда Абдуллоҳ Субазмуний, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорий ва Абу-л-Лайс Самарқандийга ўхшаш йирик шахсларнинг пайдо бўлиши Мовароуннаҳр ислом билмлари мактабларининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Мовароуннаҳрда зоҳидлик илми эрта даврлардан кенг тарқалган эди. Асли шу минтақадан, лекин фаолияти бошқа жойларда ўтган машҳур зоҳидлардан Абу Али Фузайл ибн Ийод ибн Масъуд Тамимий 723 йил Самарқандда таваллуд топган, 802 йил Маккада вафот этган. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Жунайд Хутталий (ваф. 874 й.), Ибн Фарғоний номи билан машҳур бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо Воситийларни (Фарғонада туғилиб, 932 йил Марвда вафот этган) мисол қилиб келтириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Са'д 'Абдулкарим Сам'оний. Китобу-л-ансоб. 5 жилдда / 'Абдуллоҳ 'Умар Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-жинон, 1408/1988. Ж.2. Б. 244.
2. Madelung W. The Early Murji'a and the Spread of Hanafism // Der Islam. – (1982). – Vol. 43. – pp. 32-39.
3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Сочинение. Т. I., Т. VI. – М.: Восточная литература, 1963. С. 126.
4. Bedir M. Buhara Hukuk Okulu (Vakif Hukuku Bağlamında 10 – 13. Yüzyıl Orta Asya Hanefi Hukuku Üzerinde bir İnceleme). – Istanbul: Edam Akademi Kitaplığı, 2010. – 196 b.
5. Жўзжоний А.Ш. Ислам ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 96-110.
6. Frye R.N. Early Bukhara/Cahier d'Asie centrale, 5-6 (1998), pp. 13-17.
7. Табарий Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир. «История» ат-Табари. Избранные отрывки / Пер. с араб. В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова. – Т.: Фан, 1987. – С. 210.
8. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии / Под редакцией П. Г. Булгакова. – Т.: Фан, 1993. – 184 с.
9. Муминов А.К. Роль и место ханафитских 'улама' в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII в): Дис. ... докт. ист. наук. – Тошкент: ТИУ, 2003. – С. 202.
10. Christopher Melchert. The Formation of the Sunni Schools of Law, 9th-10th centuries. – New York-Köln: Brill Leiden, 1997. – pp. 44-48.
11. Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока: VII-середины XIII вв.: Социально-экономические отношения. – М.: Восточная литература, 2001. – С. 7.
12. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде / Перевод с немецкого языка. – Алматы: Фонд «XXI век», 1999. – С. 17.
13. Bedir M. The Early Development of Hanafi Usul al-Fiqh: Докторлик диссертацияси. – Манчестер: University Press, 1999. – Б. 53.
14. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде / Перевод с немецкого языка. – Алматы: Фонд «XXI век», 1999. – С. 29-37.
15. Махмуд ибн Сулаймон Кафавий. Като'иб а'ломи-л-ахйор. – Тошкент: ЎзФАШИ. – Қўлёзма № 91.–111в в.
16. Махмуд ибн Сулаймон Кафавий. Като'иб а'ломи-л-ахйор. – Тошкент: ЎзФАШИ. – Қўлёзма № 91. – 110а-118б в.
17. Kavakcı Y. Z. XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma vara' al-Nahr İslom Hukukçuları. – Ankara: Sevinç Matbaası, 1976. – Б. 22.
18. Bekmirzaev, I. (2020). SUBJECT: QĀDĪ'S DĪWĀN ACTIVITIES IN ISLAM (THE 10TH-13TH CENTURIES). The Light of Islam, 2020(2), 98-109.
19. Bekmirzaev, I. (2014). Model documents and collection of formulas tradition in the classic Sunni Islam. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 22, pp. 120-126). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
20. Gafurova, Irodaxon (2020) "ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2020/iss3/7>